стратегик ва минтақалараро КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 31 МАЙ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 103 (10.660) Баҳоси эркин нархда

ХХI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон фани ва маданияти ривожидаги ролига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда шарқшунос олимлар, матншунослар, адабиётшунослар, файласуф ва тарихчилар, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

● Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб агросаноат мажмуида хизмат қилаётган меҳнаткашлар, уларнинг фарзандлари учун маданий спорт байрами ва халқ сайли ташкил қилинди.

● Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги гўдаклар уйи Китоб туманида жойлашган. 35 йилдан буён фаолият кўрсатаётган масканда 52 нафар 4 ёшгача бўлган меҳрга муҳтож болалар тарбияланмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида гўдаклар уйи унутилмас воқеа оғушида қолди. Яқинда жамоага Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинаси топширилди.

● Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» стадионида «Қудратлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида дўстлик форуми ўтказилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда ўқувчи ва талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

● Андижонни Россия Федерацияси пойтахти билан боғловчи тўғридан-тўғри авиарейс очилди. Ҳозирда Андижондан Москвага оралиқ қўниш орқали ҳафтасига битта рейс амалга оширилмоқда. Янги рейснинг олдингисидан фарқи — унинг тўғридан-тўғри амалга оширилишидир. Москва—Андижон—Москва йўналиши бўйича мунтазам парвозларни Россиянинг «Московия» авиакомпанияси ташкил этмоқда.

● Хўжаобод туманидаги собиқ акциядорлик жамияти негизида ташкил этилган «Гринворд— Хўжаобод консерва» корхонасида 180 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Ҳозирги кунда бу ерда асбоб-анжомларни созлаш, мева ва сабзавотларни оммавий қабул қилиш мавсумига тайёргарлик кетмоқда. Корхона маҳсулотининг асосий қисми экспортга мўлжалланган.

● Паркент туманидаги Кумушкон қишлоғи ҳудудида фавқулоддда ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан ўқув машқлари бўлиб ўтди. Фавқулоддда ҳодисаларнинг олдини олиш учун газ, сув таъминоти, ўт ўчириш қисми, ички ишлар бўлими, ветеринария хизмати ходимлари ва бошқа соҳа мутасаддилари ўз аниқ ҳаракатлари билан ўқув машқларининг кўнгилдагидек ўтишига ҳисса қўшдилар.

● Тошкентдаги Халқаро маданият карвонсаройида «Биз иллатларга қаршимиз» мавзуидаги плакатлар кўргазмаси очилди. Унда 50 дан зиёд таниқли ва ёш ижодкорлар ўз асарлари билан қатнашмоқдалар.

ЖАҲОНДА

● Колумбияда ўтказилган Президентлик сайловларининг якунлари эълон қилинди. Мамлакатнинг амалдаги Президенти Альваро Урибе 62 фоиз овоз олиб, қайта сайланди. Урибенинг асосий рақиби бўлган Карлос Давирияга эса сайловчиларнинг 22 фоизи овоз берди.

● Ўтган куни Афғонистонда АҚШ ҳарбийларининг айби орқали юз берган автоҳалокат оқибатида беш нафар тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмганлиги туфайли Кобул шаҳрида оммавий тартибсизликлар бошланганди. Кеча шаҳарда комендантлик соати жорий этилиб, кеч соат тўққиздан эрталабки тўртгача кишиларнинг кўчаларда юриши таъқиқланганидан сўнг мамлакатда тинчлик ўрнатилди. Ҳозирда 2 минг нафар Афғонистон хавфсизлик кучлари вакиллари тинчликни сақлашга жалб этилган.

● Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Эронга ядро энергетикасидан тинч мақсадларда фойдаланишга рухсат берилишини айтди. Бунинг эвазига расмий Теҳрон Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Хитой мамлакатлари назорати остида ўз тадқиқотларини МАГАТЭ билан ҳамкорликда олиб бориши керак.

● Москвадаги Мечников номли илмий-текшириш институтида парранда гриппига қарши вакцинани синовдан ўтказиш ишлари бошланди. Бунда дастлабки натижалар август ойида маълум бўлади.

● Уяли телефонлар ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг йирик компаниялардан бири — Nokia вакиллари қалбаки уяли телефонларни тайёрловчи ва тарқатувчиларга қарши кураш дастурини ташкил этиш режалари тўғрисида маълум қилдилар.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** «Адолат» социал-демократик партияси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорликларида Бектемир туманида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларининг Тошкент Давлат циркида дам олишлари ташкил этилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида БУГУН туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида туманнинг фаол аёллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган семинар аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

●**ЭРТАГА** Миробод туманидаги Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида туманда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, болажонлар иштирокида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтади.

●**БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги ташаббуси билан корейс миллий-маданий маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбир корейсларнинг миллий «Тано» байрамига бағишланди.

●**КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

●**ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари 1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳомийлигида Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия уюштиришади.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ ХУСУСИДА ГАПИРИЛГАНДА, АЛБАТТА МУҲТАШАМ ВА САЛОБАТЛИ ИНШООТЛАР ҚАТОРИДА ПОЙТАХТИМИЗ ЧИРОЙИГА АЛОҲИДА КЎРК БАҒИШЛАЁТГАН ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ РАВОН ЙЎЛЛАРУ ЗАМОНАВИЙ ВА МУСТАҲКАМ КЎПРИКЛАРНИ ТАЪКИДЛАМАЙ ИЛОЖИМИЗ ЙЎҚ.



Мустақиллик иншоотлари

КЎПРИКСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Шубҳасиз, йўлнинг ойдинлиги, равонлиги — дилнинг равшанлигидир. Шу боис ҳам аввал бунёд этилган ва ҳозирда қад ростлаётган йўл ва кўприклар нафақат шаҳримиз чиройини оширади, балки транспорт воситалари учун ҳам алоҳида қулайлик бўлиб, шунинг баробарида шижоати баланд йўлсоз ва кўприксозларимизнинг беқиёс маҳорати далолати, меҳнати, изланишлари мужассамидир.

Шунингдек, транспорт воситаларининг йилдан йилга кўпайиб бораётганлиги ҳам йўлларда тиғизликларнинг олдини олиш, ҳайдовчиларнинг вақтдан унумли фойдаланишлари учун шароит яратиш мақсадида йўлларни кенгайтириш, уларни бир-бирига боғловчи — ҳам остидан, ҳам устидан бемалол ҳаракатланиш имконияти бўлган мустаҳкам кўприклар қуришни тақозо этмоқда.

Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси ҳамда Фарҳод кўчаси кесишган жойда жадал суръатларда бунёд этилаётган кўприк ҳам ана шундай иншоотлардан саналади. Узунлиги 374 метр, кенглиги эса 30 метрни ташкил этган ушбу объектни қуриш бошланганига эндигина бир ой бўлсада, кўприксозларнинг ғайрат-шижоати боис амалга оширилган ишлар кўзга ташланмоқда. Айни пайтда кўприк қурилиши ишларида 300 нафардан зиёд бунёдкор тер тўкмоқда. «Ўзавтойўл» концернининг «Автомагистрал» махсус йўл қурилиш-таъмирлаш бирлашмаси кўприк қурилишида бош пудратчи саналади. Шунингдек, бирлашмага қарашли Йўл ва кўприк қуриш-таъмирлаш-фойдаланиш бошқармаси, «Кўприккурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиши отряди, Тошкент йўл ва кўприк қуриш-фойдаланиш бошқармаси ҳамда Фарғона ва Қўқон кўприксозлари ёрдамчи пудратчилар ҳисобланиб, қурилишда иштирок этаётган пайвандчи, бетончи, дурадгор, экскаваторчи, машинист ва бошқалар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда.

Албатта, вазифаларни режа асосида уддалашда, муддат ва сифатга эътибор қаратиш орқали фаолият кўрсатишда пешма-пеш келтирилаётган, кўприксозларга қўл келаётган қурилиш ашёларининг ўрни катта. Айниқса, бу борада Бекобод металлургия заводи, Қўйлиқ темир-бетон буюмлари заводи сингари жамоаларнинг ишчи-хизматчилари томонидан объект учун тайёрланаётган қурилиш ашёлари қўл келмоқда. Иш суръатини тезлатишда кўприксозлар 20 дан зиёд замонавий техника-механизмлар қувватидан унумли фойдаланишмоқда. Айниқса, бунёдкорлар меҳнатини енгиллатаётган кўтарма кранлар, экскаватор ва бульдозерлар, бурғулаш машина-





си, бетон аралаштирувчи механизмларнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини таъкидлаш жоиз.

Айтиш ўринлики, кўприклар мустаҳкамлигини таъминлашда таянч устунларнинг ўрни катта. Ҳозирда кўприкнинг асосий таянч устунлари ўрнатиб бўлинди. Эндиликда унинг устига ригал ва тўсиқлар қўйиш ишлари бошлаб юборилди. Асосий қурилиш ишлари тугаллангач эса кўприкка ёритгичлар ўрнатиш, асфальтлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Кўприксозлар жорий йилнинг 15 августигача барча лойиҳадаги пешма-пеш келтирилаётган, кўприксозларга қўл келаётган ишларни тугаллаб, шунинг баробарида, Тошкент шаҳрининг 2006 йил учун ажратилган капитал қурилиш маблағларини ўзлаштиришда ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ваъда беришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: кўприк қурилишида фаоллик кўрсатаётган бунёдкорлар меҳнат фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

«ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ—2006»:

ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ, ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗНИ БАРКАМОЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ МАСАЛАСИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАНОҚ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА ҲАЛ ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА.

Ушбу йўналишда бир қатор қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, халқаро шартномалар ҳам имзоланган. Айни пайтда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури, болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурий вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Анъанавий тус олган турли театрлаштирилган ва йирик спорт мусобақалари ҳам ёшларимизнинг ҳар томонлама манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир. Бу борада мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари, шунингдек мактаб битирувчилари учун «Истиқлол умидлари» фестивали ёшларимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутиши, шубҳасиздир.

Маълумки, ҳар йили қадрдон бўлиб қолган мактабларини минг-минглаб ўғил-қизларимиз тарк этиб, мустақил ҳаётга йўлланма олади. Ёшларимиз ҳаётидаги бу эзгу дақиқаларни унутилмас лаҳзаларга айлантириш, улар дилида Миллий истиқлол ғояси, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида бир неча йиллар мобайнида Юртбошимиз Фармойишлари билан бир қатор тантанали битирув тадбирлари сирасида «Истиқлол умидлари» катта шоу- фестивали ўтказилиб келинади. Ушбу тадбирда умумтаълим мактабларининг барча битирувчилари бир йўла иштирок этишига имконият яратилади.

Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 16 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг битирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ҳокимлик тузилмалари ва ижодий гуруҳлар таркибида махсус комиссия ташкил этилиб, битирувчиларга аталган тантанали тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мажмуавий режа ишлаб чиқилди.

КЕЧА пойтахтда Тошкент шаҳар ҳокими раислигида мазкур комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча босқичдаги тадбирларни, шу жумладан «Истиқлол умидлари» фестивалини юқори даражада ўтказиш масаласи алоҳида муҳокама этилди.

Маълумки, 25 май куни бутун республикамиздаги каби пойтахтимиз мактабларида ҳам «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди. Шу куни шаҳримиз маданият ва истироҳат боғларида 190 мингдан зиёд ёшлар иштирокида, шу жумладан Тошкент вилояти мактаблари битирувчилари иштирокида байрам қилишди. Ватанини ҳимоя қилишга ҳар доим тайёр эканлигини намойиш этади.

Битирув тадбирларининг иккинчи босқичи бўлган «Истиқлол умидлари» бу йили бешинчи маротаба ўтказилиб, унда барча пойтахт мактабларидан 11-синф битирувчилари иштирок этади. Фестиваль 24 июнь куни иккита йирик мажмуанинг саҳна майдонлари — «Туркистон» саройининг ёзги эстрадаси ва Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмаси ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Айни пайтда фестивалнинг сценарий лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Сценарий еттита йўналишдан иборат бўлиб, унда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Азиз синфдошларим», «Бахтли болалик», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!», «Сизга таъзим, азиз устозлар!», «Ватаним деб куйлайди ёшлар» каби мавзулар акс эттирилади. Ҳар бир йўналиш дастурида профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар чиқишлари билан уйғунлаштирилган тарзда катта ютуқларга эришган ёшлар, шу жумладан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Олимпиада ўйинларида ва турли халқаро мусобақалар ғолиблари ҳам иштирок этади.

Бўлажак офицерлар — ҳарбий ўқув юртлари курсантлари ўз чиқишларида маҳорат, жасурлик, Ватанини ҳимоя қилишга ҳар доим тайёр эканлигини намойиш этади.

Авлодлар алмашуви мавзусида битирувчилар мустақил ҳаётга учирма қилиниб, уларнинг орзу-истаклари сифатида мактабларга мурғак ёшларнинг кириб келиши байрам дастурининг алоҳида қисмида ифода этилади. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан соғлом авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратилаётгани, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб шаклланаётгани якқол кўрсатилади, бу борада болаларнинг табрик сўзлари ва куй-қўшиқлари янграйди.

Фестиваль дастурида жорий йилнинг асосий мавзуси — Ҳомийлар ва шифокорлар йили доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам акс эттирилади. Умуман олганда театрлаштирилган чиқишларда 8 мингга яқин киши иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ҳар бир намойиш этиладиган дастурда ёшлар тарбиясига оид мавзуларга эътибор қаратиш, уларнинг ҳар бири болалар қалбида ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга доир таъсирчан бўлиши лозимлигига урғу бериб ўтилди.

«Тошйўловчихизмат» уюшмаси бу йили фестиваль доирасида битирувчиларга хизмат кўрсатиш борасида 300 дан зиёд «Мерседес» русумли автобусларни ажратишни режалаштирган.

Йиғилишда Ободонлаштириш бош бошқармаси, Тошкент халқаро бизнес марказига фестиваль мавзусига яраша пойтахт кўчаларини байрамона безаш, жойларда ободонлаштириш ва санитар тозалаш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш топширилди.

Анъанавий тарзда саҳна мажмуаларини ёритиш ва иллюминацион тарзда безаш ишлари билан «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси ва «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» акциядорлик жамияти шуғулланади. Савдо, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти ўз зиммасига салқин ичимликлар кўчма савдосини ташкил этишни олмоқда. Шунингдек, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва ушбу тадбирга жалб этилган бошқа тузилмаларга ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда шунингдек, битирув тадбирларининг учинчи босқичи — етуклик шаҳодатномаларини тантанали равишда топширишни ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада Халқ таълими бош бошқармасига ушбу тадбирларни ҳар бир мактабда юқори савияда ўтказилишида алоҳида жонбозлик кўрсатиши лозимлиги тавсия этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 31 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16- 18, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

ШАҲРИМИЗДА АҲИЛ, БАҲАМЖИҲАТ ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛАЛАР КЎП. БИРОҚ МАҲАЛЛАГА ТАДБИРКОР ВА ОҚИЛ ОҚСОҚОЛ БОШ БЎЛСАГИНА У ЯНАДА ГУЛЛАЙДИ, ОБОД БЎЛАДИ. УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ «ҚУЙИ ДАРХОН» МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ШУНДАЙ ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИ. БУНДАН ЎН ОЙ МУҚАДДАМ ЁШ, СЕРҒАЙРАТ ВА ТАДБИРКОР САДРИДДИН ШАМСИЕВ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛИГИГА САЙЛАНДИЮ БУ ЕРДА ИШЛАР ҚИЗИБ КЕТДИ...





Маҳалланг — ота-онанг

ТАШАББУСКОРЛАРНИ ЭЛ АРДОҚЛАЙДИ

«Қуйи Дархон» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шундай фикрлар кўп бор тилга олинди. Дарҳақиқат, оқсоқолнинг ўн ойлик муддат ичидаги ҳисоботига назар ташлар эканмиз, нисбатан қисқа вақт ичида маҳаллада салмоқли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Таъкидлаш керакки, маҳаллада 34 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, 8 та болаликдан ногиронлар, отасиз ёки онасиз етим болалар 18 нафар бўлиб, уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турилади. Хусусан, ўтган 10 ой ичида кам таъминланган оилалардан моддий ёрдам сўраб 115 та ариза берилган бўлса, шундан 112 таси ижобий ҳал этилди. Кам таъминланган оилаларга 1 миллион тўрт юз ўттиз бир минг икки юз тўрт сўм, 2 ёшгача болалари бўлган оилаларга эса 3 миллион саккиз юз етмиш минг уч юз сўм ёрдам пули берилди.

Ўтган вақт ичида маҳалла номи ёзилган чиройли арка ўрнатилиб, қаровсиз ётган боғ таъмирланиб, унга мевали дарахтлар, чиройли гул кўчатлари экилди. Янги йил арафасида 64 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирони бор оилаларга маҳалладаги саховатпеша инсонлар кўмагида байрам совғалари тарқатилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳаллада истиқомат қилувчи кексалар, аёллар икки марта 6-шифохона шифокорлари ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилди. Энг муҳими, ушбу шифохона билан узвий алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб маҳаллада ҳафтанинг ҳар якшанбасида санитария куни ўтказилади. Байрамолди арафаларида ободонлаштириш ҳашарларини ташкил этиш мунтазам давом этади.

Ҳозирда эса маҳалла идорасини замонавий асосда қайтадан тиклаш ишлари бошлаб юборилган. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига уни фойдаланишга топшириш юзасидан ҳозирда қизғин саъй-ҳаракатлар кетмоқда. Сўнг эса маҳалла бозорчасини қуриш ишлари бошланади...

Тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи ҳам аниқ ва лўнда бўлди. Унда ҳам кейинги ўн ой ичида маблағ томонидан маҳаллада анча жонланиш юз берганлиги акс этди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан маҳалладошлардан Акмалхон Акромов, Эркин Солиҳов, Баҳодир Алимов, Қобил Содиқовлар ҳақиқатан ҳам қисқа муддат ичида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлашиб, барча маҳалла аҳли айниқса ёшларни оқсоқол атрофида жипслашишга чақиришди. Оқсоқолнинг ҳисоботи эса қониқарли деб топилди.

Шундай қилиб, очиқ овоз бериш йўли билан С.Шамсиев келгуси муддатга ҳам фуқаролар йиғини раислигига якдиллик билан сайланди. Тафтиш комиссияси аъзолари, масъул котиб, маслаҳатчилар ҳам бирма-бир таништирилган ҳолда уюшқоқлик билан янги муддатга сайланди.

Маҳалладаги ҳисобот-сайлов йиғилишидан «Қани эди бошқа маҳаллаларда ҳам шундай аҳиллиқда, серғайрат оқсоқоллар бошчилигида барча ишлар амалга оширилса», деган ўй билан қайтдик.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Қуйи Дархон» маҳалласида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Иқтисодиёт

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КЎП МАҲСУЛОТЛАР ҲАР ЖИҲАТДАН ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЯПТИ. БУНИНГ БОИСИ ШУБҲАСИЗ, ТАДБИРКОРЛИККА ОЧИЛГАН КЕНГ ЙЎЛ, УЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИДИР.

Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган «Либос» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аваз Исабоев яқинда 3 миллион 700 минг сўмлик грантнинг соҳиби бўлиб, жамоа фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 1991 йилдан буён жамият аъзолари буюртма асосида юртимизда фаолият юритаётган корхоналарга трикотаж мато етказиб беришмоқда. Сифатга асосий эътибор қаратаётган жамоа маҳаллий хом ашё — ипдан фойдаланади. Уларга Россия, Чехия давлатларидан келтирилган мато тўқийдиган дастгоҳ ва ускуналар мададкор бўлмоқда.

Ўтган йилдан корхона тадбиркорлари 100 фоиз пахтадан сифатли, харидоргир пайпоқлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Бу албатта ички бозоримизни чуқур ўрганиш, изланиш самараси ҳисобланади. Бу ерда барча ишлар илмий асосланиб, тадқиқотлар натижасига кўра олиб борилади. Чунки корхона фаолияти бевосита, билвосита Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тўқимачилик кафедраси олимларию магистрантлар билан боғлиқ.

Эътиборли томони, талабалар устозларидан олган назарий билимларини ушбу жамиятнинг цехларида амалиётда мустаҳкамлайдилар. Айни кунларда жамият тадбиркорлари муҳим лойиҳа устида иш олиб бормоқдалар. У амалга ошгач эса корхонага 40 миллион сўмлик сармоя ҳисобига янги, хорижий, юксак самарали технологик линиялар келтирилади. Қувонарлиси, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобига янги иш жойлари яратилиб, янгидан-янги маҳсулот турлари тайёрланади.

ШОГИРДЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР, УРФ-ОДАТЛАР, АЙНИҚСА, КЎП АСРЛИК ТАРИХГА ЭГА БЎЛГАН, ИЛДИЗИ УЗОҚ ЎТМИШДАН АКС САДО БЕРУВЧИ ХАЛҚ АМАЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ЭЪЗОЗДА. ЁШЛАР ҲИСОБИГА УНИНГ РИВОЖЛАНИБ, УСТА ҲУНАРМАНДЛАР САФИ ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ, АЛБАТТА.

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган ёш, ғайратли ҳунармандлар орасида Жасур Мирсоатовнинг муносиб ўрни бор. У устозлари сабоқларини яхши ўзлаштириш, қунт-сабот ҳамда лок миниатюраси санъатига астойдил меҳр қўйганлиги боис мураффақиятларга эришди.

Изланувчан уста бугунги кунга келиб тарихий мавзудаги ранг-баранг ишлари билан бирга, замонавий услубда турли ҳажм ва шаклларда яратилган 50 хилдан ортиқ қутичалари ҳамда қовоқларга чизилган бетакрор ва нафис миниатюралари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кўриктанлов, ярмаркаларда қатнашиб, ютуқлари эътироф этилди. У беш нафар қизиқувчан ёшларга ҳунарининг сир-синоатларини ўргатиб, келгусида уларнинг усталар сафидан жой олишига ҳиссасини қўшмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тадбирлар

ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Ота-оналар ушбу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзларининг фарзандлари олдидаги бурчларини тўлиқ адо этишлари, оиладаги ҳар қандай камчилик, қийинчилик ва муаммолар бола тарбиясига таъсир этмаслигига эришмоқликлари зарур.

Бола вояга етиб, ўз мақсади сари интила бошлаганда, ота-она уни ўзига хос ишонч ва умид билан кузата бошлайди, йиллар давомида берган тарбияси фарзандини ҳар қандай тўсиқ ва муаммолардан муваффақиятли олиб ўтишига ишонади. Бу бурчни уддалай олган ота-оналар ўзларини бахтли ҳисоблашади, фарзандларининг ютуқлари ва гўзал хулқларидан фахрланиб юришади.

Бундай ота-оналар республикамизда кам эмас. Бунга мисол қилиб, яқинда Миробод туманидаги саноат касб-ҳунар коллежида «Оила — жамият пойдевори» мавзуида ўтказилган тадбирни келтиришимиз мумкин. Ушбу тадбирда кўриктанлов ғолиби — туман ва шаҳар миқёсида энг намунали хонадон деб топилган Алимовлар оиласи ёшларга эришган муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб беришди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, тадбирда нафақат ўзбек оилалари, балки турли миллатга мансуб оилаларнинг ҳам иштирок этганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, рус аёли Валентина Мияскова ўзбек йигитига турмушга чиқиб, у билан биргаликда фарзандлар тарбиялаб, бахтли ҳаёт кечираётганлиги, шунингдек, ўзбек халқининг самимийлиги, меҳмондўстлиги, андишалилиги ҳақида гапирди. У нафақат ўз оиласи, шу билан биргаликда шундай халқни елкасида тутиб турган Ўзбекистон билан ҳам фахрланишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Яна сўзга чиққанлардан Маҳмуд ака Абдураимов: «Оила — жамиятнинг ғилдираги», — деган фикрни илгари суриб, оила мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлиги, оиладаги тўғри тарбия жамият ривожи билан бевосита боғлиқлиги тўғрисида сўзлади. Қатнашчилар ушбу фикрларни қўллаб-қувватладилар.

Тадбир байрамона тусда давом этди. Ҳофизлар ўзларининг оила, она ҳақидаги куй ва қўшиқлари билан қатнашчилар қалбига кўтаринкилик бахш этдилар.

Шунингдек, тадбир давомида касб-ҳунар коллежи талабалари ҳамда туман ҳудудидаги 294-мактаб ўқувчилари ўзларининг саҳна кўринишлари, рақслари билан иштирок этдилар.

Икром ҚОДИРОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси

Қарор ва ижро

ЖАМҒАРМА ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛДАГИ «ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙЎЛОВЧИЛАРИНИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИҒИЛИШДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ АҲВОЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГАН, ХУСУСАН, ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШУВЧИ АВТОБУСЛАР, МАРШРУТ ТАКСИЛАР ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХУСУСИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЕХНИК НОСОЗЛИГИ, КЎПИНИНГ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЁТГАНЛИГИ, АВТОБУС, ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАР ЎРИНДИҚЛАРИНИНГ НОСОЗЛИГИ, ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИНИНГ МУДДАТЛАРИ ЎТГАНЛИГИ, БАЪЗИЛАРИДА УЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛГАНДИ.

Шунингдек, автобус, трамвай ва троллейбусларнинг аниқ жадвал бўйича юрмаётганлиги, натижада йўловчиларнинг айниқса эрталаб ва кечки пайт бекатларда кутиб туришлари танқид қилинди. Йиғилишда талаба-ёшларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаётганликлари, халқ мулкини авайлаб-асраш ва унга зарар келтирмаслик, давлат томонидан транспорт хизматини яхшилашга сарфланаётган маблағлар халқ манфаатини кўзлаб қилинаётганлигини тушуниб етмаётганликлари ҳам қайд этилди.

Йиғилишдан сўнг ўтган қисқа вақт ичида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ҳамда автокорхоналар раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳар йўловчи ташиш транспортида анча тартиб ўрнатилди.

Носоз автобус, трамвай, троллейбуслар таъмирланди, синган, чизиб ташланган ўриндиқлар алмаштирилди, маршрут таксилар ҳам тартибга келтирилди. Талабга жавоб бермайдиган транспорт воситалари йўналишдан чиқарилди. Шаҳар ҳокимлиги қошида лицензия бериш департаменти ташкил этилиб, бу борада ҳам тартиб ўрнатилмоқда. Шаҳримиздаги шохбекатлар ва бекатлар таъмирланди, тартибга келтирилди. Ҳайдовчиларнинг кийиниш маданияти, уларнинг ташқи кўриниши, йўловчилар билан хушмуомалада бўлишлари масаласида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Президент қарори моҳиятини кенг халқ оммасига ва айниқса ёшларга етказиш борасида «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва «Камолот» ЁИҲ ўзига хос ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан «Нуроний» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари Президентимизнинг мазкур қарорининг мазмун-моҳиятини унинг шаҳримизда транспорт хизматини тубдан ўзгартириш, аҳолига қулайлик яратишда катта аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш мақсадида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳозиргача 55 та маҳаллада, 4 та олий ўқув юртида, 5 та лицей ва коллежда, 12 та мактабда талабалар ва ўқувчилар билан фахрийларнинг учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувларда фахрийларимиз Президентимизнинг қароридан келиб чиқиб ёшларнинг шаҳар транспортига бўлган муносабатларини яхшилаш, уни авайлаб-асраш, катталарни ҳурмат қилиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Бундан ташқари, «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси вакиллари билан биргаликда фахрийлар иштирокида «Пахтакор», «Мустақиллик» ва «Амир Темур» шоҳбекатларида рейд ташкил қилиб, шоҳбекатларда йўловчилар, ёшлар билан суҳбат ўтказиб, уларга шаҳримиз йўловчи ташиш транспортидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беришди. Рейд давомида фахрийлар автобусларга чиқиб йўловчилар ўртасида ҳам тушунтириш олиб бордилар. Рейддан сўнг фахрийлар ва рейд қатнашчилари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимлари билан биргаликда Тошкент Кимё-технология институтида ёшлар билан учрашувда иштирок этдилар. Учрашувни институтнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Т.Алимардонов очди ва ёшларнинг Президентимиз ғамхўрликларига жавобан ахлоқли, одобли бўлишлари, катталарни ҳурмат қилишлари, халқ мулкини асраш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Учрашувда жамғарманинг шаҳар бўлими раҳбари сўзга чиқиб қарорнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириб берди. Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан Тошкент Шарқнинг гўзал ва ривожланган шаҳрига айланаётганлиги, равон йўллар, қулай кўприклар, кўркам бинолар, Эски Жўвадаги қурилишлар, янги боғлар, талабалар шаҳарчасидаги замонавий қилиб таъмирланган талабалар турар жойлари, яратилган шароитлар, қурилган янги маҳалла гузарлари, шифохоналар мустақиллигимиз меваси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Муҳаммаджон ЗУФАРОВ,
«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси

МИЖОЗЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ- КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ҚАТОРИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ - «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ТОМОНИДАН ҲАМ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.

— Банкимиз «SMS-BANKING» шаклидаги янги хизмат турини жорий этди, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тўлов тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Музаффар Каримов. — Бу мижозларимиз учун ўз тўлов пластик карточкасидаги қолдиқ суммани банкомат ёки терминаллардан ташқари, уяли телефони орқали ҳам билиб олиш имкониятини яратади. Айни вақтда, ҳар бир амалга оширилган тўлов бўйича маълумотни SMS кўринишида қабул қилиш ҳамда тўловларни вақтида назорат қилиб бориш ҳам мумкин.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг VISA пластик карточкалари орқали савдо, хизмат кўрсатиш масканлари ҳамда банк шохобчаларида барча турдаги тўловларни амалга ошириш мумкинлиги аҳоли ўртасида карточкаларга бўлган талабни янада оширмоқда. Ҳозиргача банкимиз 466 мингдан зиёдроқ пластик карточкани муомалага чиқарган. Шу билан бирга, аҳоли учун банкнинг 1670 га яқин терминали хизмат кўрсатмоқда. Унинг 1432 таси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида бўлса, қолганлари банкнинг жамғарма кассалари ва мини- банкларига жойлаштирилган. 22 банкомат ҳам аҳоли хизматида.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг пластик карточкалари орқали ўтказилган тўловлар миқдори 8,1 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 5 миллиард сўми транзакциялар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳиссасига тўғри келади.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Ислоҳотлар оқимида

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИБ БОРИШИДА БИР ҚАНЧА ОМИЛЛАР РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. УШБУ ОМИЛЛАРНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАЙ ОЛИШ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЁТНИНГ, БАЛКИ ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА МОЛИК БЎЛГАН БАРЧА СОҲАЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИГА ТУРТКИ БЎЛАДИ. МАНА ШУНДАЙ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ БУ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДИР.

Инвестициялар —келажакда кўпроқ фойда олиш мақсадида бугунги кундаги истеъмолнинг бир қисмидан воз кечиш эвазига маълум соҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилган ресурслар мажмуасидир.

Бинобарин, инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун янги-янги инвестиция ресурсларини излаб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги кунда республикамизда ҳам ушбу масаланинг ечимини топиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан инвестицион фаолият ҳуқуқий базасининг шакллантирилганлиги, ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солинганлиги, чет эл инвестициялари ва инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кафолатлайдиган бир қатор қонунларнинг қабул қилинганлиги, шу билан биргаликда ушбу соҳа бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар юртимиз инвестиция муҳитини такомиллаштирмоқда. Айниқса, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар хорижий инвесторлар қизиқишини янада кучайтирмоқда. Айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамиз инвестицион муҳити такомиллашиб, иқтисодиётимиз тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшаётган бўлсада, инвестициялар салмоғини янада кўпайтириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг фикримизча, республикамиз инвестицион муҳитини янада барқарорлаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, хорижий инвестициялар билан бир қаторда ички инвестицияларга ҳам имтиёзлар жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу орқали иқтисодиётга фойдаланилиши мумкин бўлган ички иқтисодий манбаларни йўналтиришни кўпайтириш мумкин.

Иккинчидан, инвестицион фаолиятда банклар иштирокини янада ошириш энг долзарб масаладир. Чунки аҳоли жамғармаларини банкларга жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион салоҳиятини оширишга эришиш мумкин.

Учинчидан, суғурта қилиш механизмини ривожлантириш лозим. Шу орқали инвесторлар ўз таваккалчилик ҳаракатларини маълум маънода муҳофаза қиладилар, бундан ташқари суғурта компанияларининг ўзлари ҳам инвестор сифатида молия бозорига кириб келиши мумкин. Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Чунки бугунги кунда қўшимча инвестицион манбалар жалб қилишнинг асосий йўналишларидан бири, бу қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир. Дунё мамлакатларида мазкур йўл орқали инвестицион ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш жуда тез суръатларда ўсиб бориши билан биргаликда бу усулнинг устунлик жиҳатлари амалиётда ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўйлаймизки, мазкур фикр ва мулоҳазаларнинг чуқур таҳлил қилиниб, амалиётга жорий этилиши иқтисодиётимизнинг янада барқарорлашувига ўз ҳиссасини қўшади.

Ўғилой ҲОШИМОВА,
Тошкент Молия институти талабаси

Мунозара учун мавзу

АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ?

Аҳмаджон бошқараётган қурилиш бригадаси ҳақида трестдагилар ҳам, бошқармадагилар ҳам «Ташаббускор жамоа, бригаданинг ибратли ишларини газета ёритса арзийди», деган бир хил сўзни айтишди.

Ўша заҳоти бригада ишлаётган қурилиш майдонига йўл олдик. Бригадирни топиб, мақсадимизни айтдик.

— Ёзаман десангиз биздан бошқа жамоалар ҳам борку, — деди у энсаси қотиброқ.

Ўртага ноқулайлик тушди.

— Нима қиламиз. Келибсиз, келибсиз майли ёзинг. Бригадамиз аъзолари билан танишинг, ишларини кузатинг. Ахир «Минг бор эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал» дейишадику.

Қарама-қарши хаёлларда «Қил остидан қийиқ қидириб» ишга киришиб кетдим. Афсуски, тезда «режам» барбод бўлди. Чиндан ҳам жамоанинг иши диққатга сазовор эди. Шундай заҳматкаш ва фидойи кишилар ҳақида ҳақиқатни ёзмаслик инсофдан эмасди. Керакли фактларни олиб қайтаётганимда Аҳмаджон:

— Сиздан бир илтимос, — дея мени тўхтатди. — Бригадамиз ҳақида нима ёзсангиз розиман. Фақат мени мақтаманг.

Бу нима? Камтарликми ёки манманлик? Наҳот уни биров газетада мақтайман деса-ю, бу одам ноз қилса.

Аҳмаджон билан совуққина хайрлашарканман у кутилмаганда:

— Сиз билан бафуржа бир учрашсам бўладими? — деб қолди.

Унга маъноли қарадим.

— Ҳа, энди бир масала хусусида маслаҳатлашмоқчиманда.

Таклифни рад этиш одобдан эмас. Шуни ўйлаб Аҳмаджонга телефон рақамимни қолдирдим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб мақола газетада босилиб чиқди. Ўша куни эндигина ишни тугаллаб, уйга кетишга ҳозирлик кўрардим. Бирдан телефон жиринглаб қолди. Шошилиб гўшакни олдим.

— Ака, ўзингизмисиз, бу мен Аҳмаджонман.

Бирдан хаёлимга «оббо, унинг илтимосини инобатга олмай, репортажда бригадир шаънига ҳам анча мақтов сўзлар ёзиб юборганим учун шикоят қилмоқчи, деган фикр келди.

Кўп ўтмай эшик очилиб, хонага Аҳмаджон кириб келди.

— Келинг, тинчликми? — сўрадим мақсадини билиш учун.

— Тинчлик ака, тинчлик. Аввало репортаж учун катта раҳмат. Лекин мени мақтаб чакки қилибсиз.

Кулишдик. Аста-секин суҳбатимиз қовушиб кетди. Аҳмаджон анча андишали, юз ўйлаб, бир сўйлайдиган йигит экан. Биз кўпинча кишиларга бир кўришдаёқ баҳо бериб қўя қоламиз. Бу фикрнинг унчалик тўғри эмаслигига шу куни яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

— Мени мақтаманг, деганимнинг сабаби бор... Яхшиси мана бу хатни бир ўқиб чиқинг. Кейин ҳаммаси сизга аён бўлади.

Беихтиёр хатга кўз югуртирдим.

«Кўзимнинг оқу қароси ўғлим Аҳмаджон! Мени кечир, адашган кўр отангни кечир. Тақдир деган лаънати мени шундай кўйларга солишини билмадим. Агар билганимда онангни хор, сенинг кўзларингни йўлларимга зор этармидим болам. Ўғилгинам, сенинг марҳум онанг — Ибохоннинг олдида юзим қоралигини биламан. Лекин шундай бўлса ҳам сенга ушбу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Чунки дунёда сендан бошқа ишонган тоғим, суянган боғим йўқ, ўғлим.

Ўшанда худбинлик қилганим рост. Ўз хузур-ҳаловатимни ўйлаб бегона аёл билан ўзга юртларга кетиб қолганим ҳақ. Кўзим кўр экан ўғлим. Агар нодон бўлмасам, бир ойлик чақалоқ — сени, бутун умрини мен учун қурбон қилган беозор онанггни ташлаб кетармидим болам? Агар кўзим кўр бўлмаса, ўшанда ота дея мени қидириб ҳовлимга кириб борганингда қўлингдан маҳкам тутмасмидим. Ўша куни ҳар қалай кўнглимда умид учқуни чақнаган эди. Лекин нима сабаб билмайман, кечаси билдирмай кетиб қолиб, ўзинг пайдо қилган учқунни, ўзинг сўндириб кетдинг. Ўшанда нега шундай қилдинг-а ўғлим?

Қилмиш-қидирмиш, деганлари рост экан. Тақдир мени қилмишимга яраша жазолади. Бойликка ҳирс қўйган ўша бевафо хотинни деб ўзим ишлаётган дўкон мулкини совуриб юборганимни билмай қолдим. Бефарзандлик дардида куя-куя ичкиликка берилдим. Шунинг орқасидан қамоққа тушиб қолдим. Озодликка чиқиб қайтиб келсам, оиламиздан нишон ҳам қолмабди. Мен азиз билган хотин уйни сотиб қаёққадир гумдон бўлибди. Шундан кейин ўйлай-ўйлай яна Тошкентга қайтдим. Келганимга бир ой бўлди. Эски ҳовлимиз бузилиб кетибди. Янги яшаш жойингни сўрабсуриштириб топдим. Лекин ичкарига киришга юрагим дов бермади. Қандай ҳам кириб борай. Ахир мени ҳеч ким танимаса, ўз уйимга ўзим бегона бўлсам, остона ҳатлашга қандай журъат этай. Ўшандаги аҳволимни бир кўрсанг эди. Афсус-надомат билан орқага қайтдим.

Ҳамма гап шу. Энди биргина ишончим сендан. Қариганимда мени кўчаларда хор-зор қилмассан, деган умиддаман. Гуноҳимни кечиришингни минг бор ўтиниб сўрайман. Хатингни кутаман. Жума куни олдингга бир одам келади. Жавобини ўшандан бериб юборарсан.

Салом билан отанг Салимжон».

Ҳаяжон билан Аҳмаджонга тикиламан.

— Шу киши менинг отам бўлади, — деди у маъюслик билан. Нима қилсам, унга қандай жавоб қайтарсам экан. Ўйлай-ўйлай мана бу хатни ёздим. Ўқиб кўрингчи, сизга маъқул бўлармикан?

«Отажон, мактубингизни олдим. Ўқиб узоқ хаёлга толдим. Эсимни танибманқи, онамни биламан. Шунинг учун ҳам уларнинг нуроний сиймолари кўз ўнгимдан сира нари кетмайди. Онажонимнинг ширин алласию, мурғак қалбимга ором берувчи эртаклари ҳамон ёдимда. Ўша юмшоқ сийна, бошимни эркалаб силовчи меҳрибон қўллар меҳригиёси хаёлимдан асло кўтарилмайди. Онамнинг бағрига бош қўйдим дегунча, қалбим дарҳол ёқимли туйғулар билан тўлардию, кўзимга зумда уйқу кела қоларди. Қандай оромбахш ва лаззатли эди ўша онлар. Улғайиб тетапоя бўлгач, яна бир қалб ҳароратини қўмсайдиган бўлдим. Бу сиз, сизнинг қалбингиз эди. Ақлим етиб сиз ҳақда сўрайдиган бўлганимда онам:

— Отанг ўқишга кетган, яқинда келиб қолади, — дея ўксик қалбимга тасалли берардилар. Лекин ўшанда бу савол онамнинг юрагига ўқ бўлиб қадалишини мен ёш гўдак қаёқдан билай?

Интизорлик билан сизни кутардим. Узоқ юртлардан менга албатта ғалати ўйинчоқлар олиб келишингизга ишонардим. Ҳатто тушларимда ҳам сизни кўрардим. Соғинган дамларимда девордаги расмингизга узоқ тикилардим-да, онамга билдирмай йиғлаб олардим.

Кўккисдан мен учун азиз бўлган ўша расм йўқолиб қолди. Ўшанда қандай изтиробга тушганимни билсангиз эди. Онамдан сўрасам:

— Ким олиб кетарди? Ўғри олиб кетади-да, —деб жеркиб бердилар.

Кейин билсам бу расм кун сайин диққатимни ўзига тортаётганидан ташвишланган онам уни «ўғирлаб» қўйган экан. Бора-бора бу сурат биз она-бола ўртасига нифоқ солишидан қўрқиб, шундай қилган экан, онам бечора.

Шундан кейин мен сиз ҳақингизда янада кўпроқ ўйлайдиган ва гапирадиган бўлиб қолдим. Ойим мени қаттиқ қойиб бердилар. Уларнинг оғзидан ҳали бунақа сўзларни эшитмаган эдим.

— Отанг билан қўшмозор бўлгур. Нима мен сени боқолмаяпманми? Ҳадеб ота дейсан, ахир отанг ўлган бўлса мен нима қилай жувонмарг.

Қотиб қолдим. Йўқ, энди мени онамнинг қарғиши эмас, сизнинг ўлимингиз ҳақидаги хабар қаттиқ ўйлантириб қўйганди. Наҳот, шундай бўлса, наҳот отажонимдан барвақт ажралиб қолган бўлсам? Наҳот, бошқа болалар каби отам тиззасида ўтириб эркаланишу, қўл ушлаб кўчада сайр қилиш бахтидан жудо бўлган бўлсам? Бутун кучимни тўплаб онамга зўрбазўр термулдим ва палағда товушда:

— Шу рост гапми? — дея олдим холос.

Онам бир нуқтага термулганча узоқ жим қолдилар. Ғамбода кўзларини менга қадаб:

— Ўғлим, — дедилар заиф овоз билан. — Отанг бор, отанг ҳаёт, лекин у бизни ташлаб кетган. Ҳозир Фарғонада яшайди.

Бирдан кўз олдим чарақлаб кетди. Гўё бир умр йўқотган нарсамни баногоҳ топгандек бўлдим. «Адажонимнинг олдига бораман. Уни албатта қидириб топаман» деган фикр келди хаёлимга тўсатдан. Дастлаб бу хоҳишни айтганимда онам:

— Пешонамдаги биттаю-битта ёлғизимсан. Сендан бошқа суянчиғим йўқ. Сендан ажралиб қолишни хоҳламайман, болам, — дедилар мени бағриларига қаттиқ босиб.

Она экан, истагимга қарши боролмадилар. Лекин мени ёлғиз юборишга унамай, ўзлари ҳам сафарга ҳозирландилар.

Ёз фасли эди ўшанда. Мен эндигина саккизинчи синфни битирган эдим. Кўп ўтмай йўлга чиқдик. Қидира-қидира сиз турган уйни топдик.

— Мен бормайман. Кўрмаганим ҳам, куймаганим ҳам маъқул. Сен кечқурун уйига бор. Ўзингни танит. Зора кўриб меҳри товланса. Ахир минг қилса ҳам отангку. Лекин мен келганимни унга айта кўрма.

Онам меҳмонхонада қолди.

Эшик кўнғироғига қўл узатганча бир зум иккиланиб қолдим. Нима дейман? Хайрият, бахтимга орқамдан ўзингиз келиб қолдингиз.

— Ҳа, йигитча, тинчликми? — дедингиз менга ғалати қараб. Сизни дарҳол танидим. Ўша дамда ўзимни тутиб туролмадим. Кейин қалбимдан отилиб чиққан туғён билан, «Отажон» дея бағрингизга отилдим. Сиз ҳам ҳаммасига тушундингиз. Мени қаттиқ қучдингиз. Юзларимдан, кўзларимдан чанқоқлик билан ўпдингиз. Қалбингизда бир зумда фарзандингизга бўлган меҳр учқуни чақнади.

Дарвозани жуссадор хотин очди. Оҳ, нега ўша дарвоза шунчалар тез очила қолдия, ахир мен ҳали сизнинг дийдорингизга тўйиб улгурмаган эдимку. Наҳотки мени сиздан тирик айирган ўша алвасти бағрингизда қониб эркаланишга ҳам халақит берса-я.

—Ҳа, тинчликми? — сўради у бир сизга, бир менга назар ташлаб.

— Ие, танимадингми? Бу ўғлимиз Аҳмаджонку. Қарагин қап-катта йигит бўлиб, отасини қидириб келибдия, — дедингиз ўшанда энтикиб.

—Вой, бу ўшами? — энсаси қотди аёлнинг.

— Ўғлим, қани аянгиз билан бир қучоқлашиб кўришингчи.

Мен қучоқ очгандим, у шахдимни қайтариб:

—Ойноний, яхши юрибсанми? — дея елкамга истар-истамас қоқиб қўя қолди.

Ҳовлига кирдик. Аёл сўрига кўрпача тўшади. Отабола алла-паллагача суҳбатлашиб ўтирдик.

— Шунақа дегин. Ҳали ҳам ўша ҳовлида яшаяпмиз дегин.

Ичкаридан ўғай онамнинг шанғиллаган овози эшитилди.

— Ҳой, вақт алламаҳал бўлиб қолди. Ётинг, эрталаб туролмайсиз.

Шу билан гапга нуқта қўйдик. Сиз ичкарида, мен эса сўрида ётдим.

Ўшанда чалқанча ётганча, юлдузларга термулиб ширин хаёлга толдим. Бир вақт ўғай онамнинг қулоғимга чалинган узуқ-юлуқ гапидан ҳушёр тортдим.

— Ҳой, мияси суйилган чол, ўғлингизга айтинг, эрталаб туёғини шиқиллатсин. Эндигина бағримизга офтоб текканда яна ҳаммасини барбод этиб кетмасин.

— Ахир, нима қил дейсан. Минг қилса ҳам пушти камаримдан бўлган болам. Бунинг устига сен билан орамизда фарзанд йўқ.

— Яна достонингизни бошлаяпсизми? Эрталаб йўқотинг. Гап тамом-вассалом. Билган у дейди, билмаган бу. Қўни-қўшнилар орасида гап-сўз бўлишни хоҳламайман.

— Қани тонг отсинчи.

Менга ҳаммаси аён бўлганди. Тонг отишини пойлашнинг ҳожати йўқ. Секин туриб кийиндимда оёқ учида кўчага чиқдим. Қайта сизни кўролмаслигимни билиб, ўксиб-ўксиб йиғладим. Дийдорингизга тўёлмаганимдан афсусланиб, кўча изғиб тонг оттирдим.

Эртасига онам бор гапдан хабардор бўлдилар.

— Ўша аёл минг жоду-найранг билан отангни йўлдан урди. Кўзларимдан маржон-маржон ёш оқизиб, отангни шу томонларга бошлаб келди. Агар шундай қилмаганида биз ҳам бошқалардек бахтли яшармидик, —дедилар ўксиб.

Инсон қанчалар бардошли бўлмасин, барибир ғамғусса бора-бора уни енгади. Аянчли ўтмиши ва менинг тақдиримни ўйлайвериб охири онам ёстиққа михланиб қолди.

— Ўғлим, — дедилар бир куни. — Берироқ кел, бағримга бир босай.

Онажонимнинг истагини бажо келтирдим. Қучоқлай туриб:

— Қарагин, қандай катта йигит бўлиб қолдинг-а. Сени шу ёшда кўролмай қоламанми, деб қўрқардим. Хайрият, кўрдим. Армоним йўқ. Энди бор, дамингни ол. Чарчадим шекилли, мен ҳам бироз дам олай.

Онажонимнинг сўнгги гапи шу бўлди. Қайта унинг юзини кўролмадим. Армон билан оламдан ўтган онамнинг ҳажрида туну-кун ўртаниб ёндим. Яхшиям, ҳаётда дардингга малҳам бўладиган, ёмон кунингда сени ёлғизлатмайдиган инсонлар бор экан. Улар паноҳида мактабни тугатдим. Қурилишга ишга жойлашдим. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим.

Дил армонларимни сизга тўкиб солганим учун узр, отажон. Ахир нима қилай ҳаётда биз онам билан қанчалар ўртанганимизни, сиз ҳам билиб қўйишингиз керак-да. Энди сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Инсоф билан ўзингиз айтингчи, сизни кечириб бўлармикан? Ўз хузурини ўйлаб турмуш йўлдошини, эндигина дунёга келган жажжи гўдагидан кечиб кетган сиздек отани кечириб бўлармикан...»

Мактуб шу ерда тугаганди.

—Давомини сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, — деди Аҳмаджон менга илтижоли тикилиб. — Айтинг, нима қилай? Кечирсаммикан?

Мен нима ҳам дея олардим. Яхшиси бундай вақтларда инсон ўз қалбига қулоқ солгани маъқул. Дарвоқе, сиз бу ҳақда нима дейсиз, ҳурматли оқшомхон? Сизнинг фикрингизни билиш ниятида Аҳмаджоннинг розилиги билан ушбу мактубни диққатингизга ҳавола этдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни

ТАМАКИ — СОҒЛИҚ КУШАНДАСИ

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ТАМАКИ ЧЕКИШ ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРНИНГ ХАВФЛИЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, ИНСОН СОҒЛИҒИ, ФАОЛ ҲАЁТИ ВА УМРИГА ЗАВОЛ БЎЛМОҚДА. ШУ БОИСДАН ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ (ЖССТ)НИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН 1980 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ЙИЛИ ЖАҲОНДА ТАМАКИ ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ЖССТнинг маълумотларига қараганда:

— ер юзида ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юммоқда;

— 1 дона сигарета кишининг 6 дақиқалик ёки 20 донаси 2 соатлик умрига зомин бўлмоқда;

— тамаки чекиш киши умрини 15 ва ундан ортиқ йилга қисқартиради.

Чекувчилар ҳар йили 2,21 фоизга ортиб бормоқда. — Агар бу иллат — офатнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмаса (тўхтатилмаса), 2020 йилга бориб чекувчилар сони 2 баробар ошади.

Бу иллат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ҳозирги кунда мамлакатда 4 миллионга яқин киши чекади. Ҳар йили чекиш асоратларидан 30 мингдан ортиқ киши вафот этмоқда. Унинг олдини олиш юзасидан жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмаса 2020 йилга бориб ўлим сони 60 мингдан ошади.

Афсуски, бугунги кунда ёшлар ўртасида тамаки чекишга ружу қўяётганлар сони кўпайиб бормоқда. Айниқса, ёш қизлар (умумий таълим мактаблари ўқувчилари) ва ҳомиладорлар ўртасида чекувчиларнинг учраши ачинарли ҳолдир.

Республикада тамаки чекишга қарши кураш бўйича 2004-2009 йилларга мўлжалланган Миллий дастур мавжуд бўлиб, унда аҳоли ўртасида тамаки чекишни ҳар йили 1,5 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари дахлдор вазирликлар, жамғармалар, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ходимлари билан ҳамкорликда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Бу дастурни қўллаб-қувватлаш ва бажариш учун аҳоли ўртасида кенг миқёсда соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш, уларни тамаки чекишнинг зарари тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиб бориш, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш, саҳна кўринишларини ташкил қилиш, миллий минтақавий, маҳаллий акциялар ўтказиш зарур.

Таъкидлаш керакки тамаки ва унинг тутуни таркибида киши организмига (танасига) зарарли таъсир этувчи 400 дан ортиқ ҳар хил бирикмалар бўлиб, улардан энг заҳарлиси никотин, ис гази ва шуларга ўхшаш кўпгина зарарли моддалар бор. Улар юрак-қон томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, асаб, ички секреция, жинсий безлар каби тизимлар аъзоларига заҳарли таъсир қилиб миокард инфаркти, хафақон касаллиги, бронхларнинг сурункали яллиғланиши, ўпка эмфиземаси, ўпка раки, ошқозоннинг сурункали яллиғланиши, унинг яраси ва раки сингари кўпгина хавфли касалликларга сабаб бўлади. Шу боисдан чекувчиларда чекмайдиганларга нисбаан миокард инфаркти хавфи 6-8 марта, мияга қон қуйилиши хавфи 4-6 марта, ошқозон яраси касаллиги ва раки 12 марта, ўпка раки 25 марта, ўпканинг сурункали яллиғланиши 10-15 марта, кўкрак бези, жинсий аъзолари касалликлари кабилар кўп учрайди. Бу касалликлардан ўлим ҳоллари ҳам кўп қайд қилинмоқда.

Ҳомиладор аёлларнинг чекиши бўлажак ҳомила (бола) ривожини кечиктиради, муддатидан олдин туғиш, ўлик туғилишига олиб келади.

Тамаки чекиш наслга ҳам салбий таъсир қилиб фарзандсизликка, болаларнинг заиф, ногирон, жисмоний нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади.

Чекиш туфайли кишининг садафдек, ҳуснкор тишлари сарғайиб, сочлари тўкилади. Тамаки таркибидаги заҳарли бирикмалар таъсирида танада модда алмашинуви бузилиб, A,B,B_6,B_{12}, C каби витаминлар етишмовчилигига сабаб бўлади. Хусусан, витаминлар етишмовчилиги чекадиган бола ва ўсмирларнинг ривожланишдан орқада қолишида яққол намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тамаки таркибидаги заҳарли кимёвий бирикмалар инсон танасининг барча аъзоларига ҳалокатли таъсир қилади.

Ёри ЖЎРАЕВ,
Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Соғлом турмуш тарзи бўйича бош мутахассиси, Саломатлик институти ташкилий бўлими мудири

Болалар адабиёти бурчаги

БОЛАЛАР ВА НИҲОЛЛАР

(Туркумдан)

ТОКНИНГ КЎЗ ЁШИ

Ток новдасин бураб Хол,
Шарбат сувин оқизар.
Ўз ишидан ўзи лол:
Томчилар тинмай сизар.
Хол кўзи маъюс жуда,
Дадасига боқолмас.
— Қаранг-а, томаверса
Танида суви қолмас.
— Кўзининг ёшидир у.
Энди койитма ҳеч ҳам.
Дард кўрмай соғлом ўссин,
У ҳам сендек ёш болам.

ИХЛОС

— «Тоғ узум»и, даройи,
Ё ширинми ҳасайни.
Маслаҳат беринг ойи,
Қай бирини экайин?
— Меҳр-ла қўйсанг ихлос,
Ёмони йўқ ҳеч бирин.
Парваришинг қилсанг соз,
Ҳаммаси бўлар ширин.

НЕГА ГУЛДИРАР АРИҚ?

Ошар экан умбалоқ,
Ариқ суви чулдирар:
— Эксангиз кўплаб дарахт
Икки ёним гуркирар.
Экинзорга етгунча
Беҳуда кетмас вақтим.
Илдизларга мен дармон,
Йўл-йўлакай бор нақдим.
Шу фаровон юрт учун
Тинмай ишлар ҳар томчим.
Баҳор шаҳди танимда
Чулдирашим — қувончим.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»НИ ЭСЛАБ

ЎТГАН ЙИЛ АВГУСТ ОЙИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИНГ ТАКЛИФИ ТУФАЙЛИ ХИТОЙНИНГ ЕТАКЧИ НАШРЛАРИДАН БИРИ «ЖЭНЬМИН ЖИБАО» ОНЛАЙН ГАЗЕТАСИ ВЕБ-САЙТИ МУҲАРРИРИ ВАН ДУНЧЖЭН ЎЗИНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ОРЗУСИГА ЕТИШДИ – У ЎЗБЕКИСТОНГА САЁҲАТ ҚИЛДИ. ЯҚИНДА ЖУРНАЛИСТ ЮРТИМИЗГА АМАЛГА ОШИРГАН САФАРИ ДАВОМИДА ОЛГАН ТААССУРОТЛАРИ ХУСУСИДА ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ. ҚУЙИДА МАЗКУР МАҚОЛАНИ БИРОЗ ҚИСҚАРТИРГАН ҲОЛДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳридир. Унинг кўркам ва озодалиги шаҳарнинг барча меҳмонларини ҳайратда қолдиради. Кенг кўчалар, соя-салқин хиёбонлар диққатни тортади, ҳар қадамда майдонлар, гузарлар, ҳайкаллар ва фавворалар намоён бўлади. Дарахтлар сояси остида ёшу қари ҳордиқ чиқаради ва бу сокинлик Пекиннинг шошқалоқ ҳаёти билан солиштирилса ҳавас уйғотмай қўймайди. Тошкент ёшлари - зебо қизларию озода кийинган, одобли йигитлари шаҳарга алоҳида бир руҳ бағишлаб туради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий барқарорлик ва юқори суръатдаги иқтисодий тараққиётга эришди. Пойтахт кўчаларидаги кўплаб дўконлар, автомобилларнинг туганмас оқими Хитойда амалга оширилган ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатининг илк йилларидаги юксалиш ва тараққиёт кўринишларини эслатмоқда.

Ўзбекистонга келиб, Самарқандни зиёрат қилмай бўлмайди. У Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, бир пайтлар Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини сифатида Хитойни Ҳиндистон, араб ва Европа мамлакатлари билан боғлаган. Самарқандга дунёнинг барча бурчакларидан савдогарлар келган, шу боис сер жило маданиятлар уйғунлигини акс эттирувчи бу шаҳар том маънода халқаро мегаполис бўлган. 2001 йилда Самарқанд ЮНЕСКОнинг дунё маданий мероси рўйхатига киритилган. Эски шаҳар, Гўр Амир мақбараси, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси ва шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари Самарқандга «Қадимги Шарқ жаннатмакони», «Ислом дунёсининг қимматбаҳо дурдонаси», «Шарқ Руми», «Рўйи замин» – «Она ер чеҳраси» каби жозибадор номларнинг бежиз берилмаганини тасдиқлаб туради.

Самарқанд кўп асрлик тарихга эга бўлсада, уни Марказий Осиёнинг энг замонавий шаҳарларидан бири деса арзийди. Тарихий осори атиқалар орасида кўп қаватли бинолар қад кўтарган, кенг йўллар ётқизилган, турли маҳсулотларни тарғиб этувчи ранг-баранг эълонлар осиб қўйилган, интернет кафелар очилган.

Салкам миллион кишилик аҳолига эга Самарқанд ҳажми бўйича Ўзбекистонда иккинчи ўринда туради ва мамлакатнинг муҳим саноат марказларидан бири саналади. Анъанавий миллий мусиқачиликни тарғиб қилиш ва ривожлантириш, дунёнинг турли мамлакатлари билан маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Президент Ислом Каримов Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббус ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланди ва 1997 йилда биринчи фестиваль ўтказилди. Ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиб, машҳур артистлар, мусиқа ансамбллари ҳамда халқаро ташкилотлар иштирок этадиган бу мусиқа анжуманига бўлган эътибор бутун жаҳон миқёсида ва, айниқса, Осиёда юксалиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати бу фестивалга катта аҳамият қаратиб, уни ташкил этиш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда Самарқандда энг замонавий техника билан жиҳозланган бир неча тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар барпо этилди. Бу бунёдкорлик ишларидан далолат беради. Самарқанд аҳолиси шаҳар хусусида гапирар экан, унинг бир вақтнинг ўзида ҳам қадимий, ҳам замонавийлигини таъкидлашади.

Ўзбекистонга сафаримиз чоғида биз фестиваль ташкилотчилари билан дўстлашиб қолдик. Улар бизни маҳаллий таомлардан татиб кўришга кўп маротаба таклиф қилдилар. Бизда сомса ва кабоб катта таассурот қолдирди. Умуман айтганда, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бутун дунёга машҳур, бу, албатта, бежиз эмас.

Ўзбекистон томони «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро фестивалини ташкиллаштириш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳар бир хорижий делегацияга маҳаллий ҳамроҳлар бириктирилиб, улар меҳмонларнинг фестивалдаги иштироки, яшаши, сафари билан боғлиқ масалаларни тез ва малакали ҳал этдилар. Анжуман иштирокчиларини қизғин қарсаклар билан қутлаган томошабинлар эса юқори маданият ва очиққўнгиллик намойиш этдилар. Шаҳар кўчаларида ҳам аҳоли хорижий сайёҳларга дўстона муносабатда бўлиб, уларни ўзбек халқига хос меҳмоннавозлик билан қарши олди.

«Жаҳон» АА

Анжуманлар

БИЛИМДОНЛИК СИНОВДАН ЎТДИ

МИРОБОД ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАДИГАН ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БУ ЙИЛ 63-МАРОТАБА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Конференцияда 8 та йўналиш бўйича 250 га яқин талабалар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Иқтидорли ёшлар илмий ишларини кенг жамоатчилик олдида ҳимоя қилиш билан бирга илмий асослар билан тушунтириб бердилар. Бундан ташқари деворий газеталар бўйича номинациялар ташкил қилиниб, унда иштирокчилар илмий ишларига бағишланган мавзу моҳиятини ёритдилар.

Анжуман «Дори воситаларини стандартлаш» илмий маркази ва «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, ақл-заковатини намоён этиш учун шароит яратиб бериш, илмий йўналишларга жалб қилиш мақсадида ўтказилган бу тадбир талабаларни янада кўпроқ изланишларига куч беради, уларнинг ҳаётларида ўчмас из қолдиради, албатта.

Институт ўқитувчи, доцентларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари томонидан илмий ишларнинг қанчалик долзарблиги, мавзуларнинг кенг ёритилгани, илмий асосланганлиги текширилиб юқори баҳоланганлардан совринли ўринлар соҳиблари аниқланди. Ғолиблар эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Барно СУЛАЙМОНОВА

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Қитъа:

Туриб дарё лабида бутимор қуш,
Чекар дарё сувидан доимо ғам.
Ўзича ўйлаган ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ ҳар бахилнинг,
Шу қушга ўхшаган феълу ҳуши ҳам.
Ҳирсининг ўткирлигидан нонини,
Ўз ўзига кўрмагай лойиқ, укам.

Ҳаким ҚОНИЙ

Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч хислатдир.

КОШИФИЙ

Одамларнинг олижаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғонишига уринувчи, одамларнинг бахили эса ўзига нисбатан дўстларида нафрат туғдирувчи кишидир.

«МАҲЗАН ал-улум»

Барча элдан тупроқ каби паст бўлгин,
Барча элдан елдек тиҳидаст бўлгин.
Ҳаракат қил, элни айлагин ризо,
Кўл-оёғин ўпу қилма норизо!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради. Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди. Бахил одам йўлдош бўлмайди, борди-ю, йўлдош бўлиб қолса, қорин шишиб ўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Кўл узатсанг, қадринг тушар, нонига,
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин,
Қотган нону совуқ сувинг сонига.

Паҳлавон МАҲМУД

Эй оқил, бахилликни ўзингга шиор қилиб, мол-пул топишнинг пайидан бўлма. Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз. Ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча эл орасида хору зор бўлиб, эътибордан четда қолган. Мол-мулкингни бекорга сақлама. Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат ахмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади-ю, на ўзгалар манфаат кўради! Бундай жоҳил кишилар кўра била туриб, кўрганлардан ибрат олишмайди. Нафси аммора кўйига кириб, ранж ва кулфат кўрадилар!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Бахил киши ўз мол-мулкининг қоровули ва ўзгаларга қолдирадиган мероснинг хазиначисидир.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндиради. Араблар бировни бахилликда айбламоқчи бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани Ҳилол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар куни ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтариб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. Бундай қилишдан унинг мақсади, бошқалар мен чиқарган сувдан туясини суғормасин, дер экан. У ҳар куни шу одатини такрорлашни қўймас экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялари тезакласа, тезгина тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишар экан. Ўша кундан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ўзинг муҳтож бўла туриб сахийлик қиламан дема.

Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ

Хасисдан ким эдар дурри шоҳвор таъма,
Кўнгул сажанжали таъма мукаддар эдар,
Соқий бу кўзу сафосиндадур
ғубор таъма.
Қаноат аҳлининг аҳволи халқдан мастур,
Эдар разолати ҳолингни ошкор таъма.

НОДИМ

Бахил одамга ҳамма одам ёмон бўлиб кўринади.

Бахил учун дунёда роҳат йўқ.

Бахилнинг ўз дарди ўзига етади.

Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин, аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан

БОЛАЛИГИМ БОЛДАН ШИРИН

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА МАСКАНЛАРИДА ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ ХИЛ БАЙРАМ КЕЧАЛАРИ, ТАДБИРЛАР, КЎНГИЛОЧАР ТОМОШАЛАР, САЙИЛЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УШБУ КУННИ МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ МУҲИМДИР. ЗЕРО ЁШЛИКНИНГ ЭНГ БЕҒУБОР ОНЛАРИДАГИ ҲАР БИР САНА ҲАЁТНИНГ ЭНГ БАХТЛИ ДАМЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ.



Куни кеча шаҳримиздаги «Умурзоқ ота» кафесида Тошкент шаҳар «КРИДИ»- ногирон болаларнинг соғлиғини қайта тиклаш, бирлаштириш клуби болалари иштирокида «Болалигим болдан ширин» деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.



— Бизнинг клубимиз 1996 йилда Мирзо Улуғбек туманида нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил қилинган, — дейди «КРИДИ» клубининг Кенгаш раиси Замира Бозорова. — Муассасамиз хайрэҳсонлар эвазига фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳримиздаги Юнусобод, Ҳамза, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Сергели, Собир Раҳимов ва Мирзо Улуғбек туманларидаги кам таъминланган, имконияти чекланган ногирон фарзандлари бор оилаларни ўзига бирлаштирган. Вазифамиз уларга ҳомийларимиз кўмагида ҳам моддий, ҳам маънавий томондан ёрдам беришдан иборатдир. Болалар хоҳ соғ, хоҳ хаста бўлсин, бирдай парваришга, меҳрга, ширин сўзга ҳамиша муҳтож, шундай экан уларга ёрдам кўрсатиш, кўнгилларини кўтариш, илм бериш ва тафаккурини янада бойитиш ҳар биримизнинг бурчимизга киради. Агар ушбу тадбиримиз болажонларимизнинг кўнгилларини нурафшон қилиб, дардларини бир оз бўлса ҳам унутишга ёрдам берган бўлса бу бизнинг ютуғимиз.

Мазкур тадбирда 200 дан ортиқ ёшлар иштирок этдилар. Тўкин дастурхон ва куй-қўшиққа йўғрилган байрам барчани хушнуд этди. Кечада Республика Қўғирчоқ театрининг «Бўғирсоқ» гуруҳи, «Гулшан» дастаси, Ҳамза номидаги мусиқа коллежи талабалари, эл севган санъаткорлар Насиба Абдуллаева ва қизиқчи Шукрулла Исроилов болажонларнинг кўнгилларига янада шодлик бахш этдилар

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 498-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ҲОЗИРДА 250 НАФАР БОЛА ТАРБИЯЛАНМОҚДА. МУҲИМИ, БУ ЕРДА КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН.

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ТАРБИЯЛАНМОҚДА







—Болаларга ёшликдан илм ва ҳунар эгаллашга ҳавас уйғотамиз,—дейди мазкур муассаса мудираси Муҳайё Сайфуллаева. — Шунингдек, уларнинг онги-шуурида она табиатга меҳр, каттага ҳурмат, кичикка иззат ҳиссини шакллантириш ҳам фаолиятимиз мезонини ташкил қилади. Бундан ташқари, турли танловлар, мусобақалар ўтказиш ҳам анъанага айланган. Яқинда тарбияланувчилар томонидан тайёрланган «Юмшоқ ўйинчоқлар», «Миллий таомлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бундан ташқари, турли спорт мусобақалари ташкил этилиб, тадбирга ота-оналар жамоатчилик вакиллари ҳам таклиф этилди.

Танлов ғолибларига муассаса томонидан эсдалик совғалари топширилди.

СУРАТЛАРДА: 498-мактабгача таълим муассасаси ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Эркабой Ботиров олган суратлар

ИЖОДГА БАХШИДА УМР

ДОНОЛАРИМИЗ «ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ, ИБРАТ ИЗЛАГАНГА ИБРАТДИР ДУНЁ» ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИШМАГАН. ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСОН БУТУН УМРИ ДАВОМИДА ҚАНДАЙ ҲАЁТ КЕЧИРГАНЛИГИНИ ЎТГАН УМР ПИЛЛАПОЯЛАРИНИ САРҲИСОБ ҚИЛИБ БИЛИШИ МУМКИН.



ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОРКИ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ЭЛУ ЮРТ ДАРДИ БИЛАН ЯШАБ, ОДАМЛАРГА ФАҚАТ ЭЗГУЛИК УЛАШИБ ЯШАЙДИЛАР. БУНДАЙ ОДАМЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ВА МАЗМУНЛИ ҲАЁТИГА ҲАВАСИ КЕЛАДИ КИШИНИНГ. ШУНДАЙ ИБРАТЛИ УМР СОҲИБЛАРИДАН БИРИ ҲАММАМИЗГА ЯХШИ ТАНИШ БЎЛГАН ТАНИҚЛИ ШОИР ВА ДРАМАТУРГ ҲАЙДАР МУҲАММАДДИР.

Ҳайдар аканинг мазмунли қўшиқларини, драматик асарларини кўп йиллардан буён тинглаб, томоша қилиб келамиз албатта. Унинг қаламига мансуб бўлган драматик асарлар нафақат пойтахтимиз театрлари, балки мамлакатимиз вилоятларидаги деярли ҳамма мусиқали драма театрларида саҳналаштирилган. Шунингдек қўшни Тожикистон, Қирғизистон Республикалари театрларида ҳам намойиш этилган. «Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Куёвлар танлови», «Ҳар кимки вафо қилса...», «Сиздан угина, биздан бугина», «Кўнгил чинни пиёла» сингари асарлари шулар жумласидандир. Унинг қаламига мансуб 25 та драматик асарлари саҳналаштирилган, кўплаб китоблари чоп этилган. Айниқса Ҳайдар аканинг номини эл аро машҳур қилган шоирнинг шеърлари дейиш мумкин. Дилга яқин,жозибали қўшиқларини тингламаган, жўшиб куйламаган хонанда кам бўлса керак. Бугунги кунда унинг қўшиқлари 250 дан зиёдни ташкил этади. Шоир бир шеърида шундай сатрларни битган:

Бир қўшиқ ёзсам-ки...
жаҳон куйласа...
Ер, осмон, замину
замон куйласа.
Қўшиқдан баҳра олса,
тинглаган ҳар дил,
Бахтин топса уни
куйлаган кўнгил...

Ҳайдар Муҳаммаднинг юракдан битган шеърларини халқимизнинг севимли хонандалари Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Раъно Шарипова, Насиба Абдуллаева, Икромжон Бўронов сингари санъаткорлар севиб ижро этганлар. Ҳайдар Муҳаммад ўзбек театр ва қўшиқчилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган серқирра ижодкор саналади. У ҳақда таниқли адибларимиз ҳам самимий ва илиқ фикрларини билдиришган: «Ҳайдар Муҳаммад адабиётимизга қўшиқ билан кириб келди. Оз вақт ўтмай қўшиқ уни мусиқали драма соҳасига бошлади. «Тошкентнинг нозанин маликаси» мусиқали драмаси унинг келажагини белгилаб берди» деб ёзган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла. Дарҳақиқат, ижодкорнинг ушбу драматик асари неча йиллар олдин кўпчилик санъатшунослар томонидан муносиб баҳоланган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, орадан йиллар ўтиб ушбу саҳна асари яқинда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида қайта саҳналаштирилиб томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Ҳақиқий драматик асарнинг умри узун бўлади, дейишади. Ушбу саҳна асари кўплаб театр мухлислари томонидан илиқ қарши олинди. Умуман, ижодкор қайси жанрга қўл урмасин, жамият учун, одамлар учун эзгу ғояларни илгари суришга уринди.

— Мен халқимиз дилида доимо миллий ғурур бўлишини истайман,—дейди Ҳайдар Муҳаммад.- Миллий ғурури бўлган одам халқини, Ватанини, санъатни, адабиётни севади. Бошқа халқларнинг миллий ғурурига ҳурмат билан қарайди, дўстликнинг тенглик кўпригини мустаҳкам қуради.

Айни кунда табаррук 70 ёшни қаршилаётган Ҳайдар Муҳаммад фарзандлари, набиралари ардоғида ўтган умр зарварақларини варақлар экан, қалбида ҳаётидан, оиласидан, фарзандларидан ва ўз ижодидан мамнунлик ҳиссини туяди. Зеро мазмунли ва самарали умр бахт ва саодат калитидир.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: Ҳайдар Муҳаммад оиласи, набиралари даврасида.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

БАНГКОКДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН «ГРАН ПРИ ОСИЁ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Енгил атлетика

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сўнгги Осиё чемпионати ва қитъа ўйинларида кучли саккизликка кирган спортчилар иштирокида кечган мазкур нуфузли турнирда ҳамюртларимиздан Гўзал Хуббиева 200 метрга югуришда шохсупа тўрининг энг юқори поғонасини эгаллаб олтин медаль эгасига айланди. Шунингдек, 800 метрга югуришда яна бир вакилимиз Замира Амировага иккинчи ўрин насиб этган бўлса,найза улоқтириш мусобақасида 70 метр 37 сантиметр натижани қайд этган Ринат Тайзуманов бронза медали билан кифояланди. Мазкур нуфузли турнирнинг иккинчи ва учинчи босқичи Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

Шунингдек, Франция пойтахти Парижда ниҳоясига етган енгил атлетика бўйича «А» сериясига кирувчи халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Журавлева ўзининг яхши спорт формасида эканлигини исботлади. Турнирнинг уч ҳатлаб сакраш бўйича уюштирилган баҳсларида мутахассислару мухлисларда яхши таассурот қолдирган Анастасия ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи поғонасидан ўрин эгаллади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Футзал

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ОСИЁДА ИККИНЧИ

«ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ҲАМ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Шуниси эътиборлики, қитъамизнинг энг кучли 16 та терма жамоаси иштирок этган ушбу мусобақа, қизиқарли баҳсларда сермазмун ўйинлар намойиш этган Ўзбекистон, Қирғизистон, Япония, Эрон терма жамоалари ярим финалда беллашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Қирғизистон терма жамоаси билан куч синашган юртимиз футзалчиларининг омади келди. Рақиблари дарвозасини тўрт бор аниқ нишонга ола билиб, ўз дарвозаларидан бир мартагина гол ўтказиб юборган ҳамюртларимиз финал йўлланмасини қўлга киритишди.

Ярим финалнинг Япония—Эрон терма жамоалари ўртасида кечган иккинчи учрашуви кутилмаган натижа билан якунланди. Қитъамизнинг энг кучли терма жамоаси, етти карра Осиё чемпиони Эрон терма жамоаси муросасиз баҳсда 3:5 ҳисобида рақибларига имкониятни бой бериб қўйди.

Ўзбекистонлик футзалчиларнинг ишончли ғалабасидан сўнг мутахассислару мухлислар терма жамоамизнинг Осиё чемпиони бўлишини башорат қилишаётганди. Афсуски, японлар билан кечган финал учрашувида ҳамюртларимиз 1:5 ҳисобида мағлубиятга учраб Осиёда иккинчи терма жамоа деган ном билан кифояланишга мажбур бўлишди. Учинчи ўрин учун Эрон—Қирғизистон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашув тажрибали эронликларнинг 5:3 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Шундай қилиб «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бир ҳафта давом этган Осиё чемпионати ниҳоясига етди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛГАН ҲАМДА УЛАРГА НИСБАТАН ТУГАТИШГА ДОИР ИШЛАР БОШЛАНГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси		Тугатиш бошқарувчиси
1	MIRXODJA-BIZNES	МЧЖ	205527434	10.03.05 000832-03	19999839	10-0619/5315	24.05.06	Исмоилов Х.
2	PRORIV	МЧЖ	204013655	19.04.02 389	18524778	10-0619/5316	24.05.06	Норбаев Д.
3	FARMATSEVT	ШК	204379477	12.02.03 375	18879599	10-0619/5317	24.05.06	Мухитдинов И.
4	MIRAS	ХФ	203300670	07.06.00 660	17709576	10-0619/5318	24.05.06	Назаров Д.

Ушбу корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредитор ва дебиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Кредиторлар ва дебиторлар йиғилиши 2006 йил 13 июнда ўтказилади, ўтказиладиган йиғилишга тасдиқловчи ҳужжатлар билан мурожаат қилиш мумкин. Банкротликка оид тугатиш ишлари қуйидаги манзилда давом этмоқда: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6